Куч — адолатда

# Адолат

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

2003 йил 24 октябрь

№ 43 (434)

ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

## ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР

### ХАЛҚАРО ТАМОЙИЛЛАР ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИК АСОСИДА ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНМОҚДА

**Ўзбекистонда жамиятни демократлаштиришга доир ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Мамлакатимиз тарихида кўрилмаган ва маънавий меросимизда ҳали бизга ёт бўлган демократик қадриятлар ўтган йиллар ичида фуқаролар дунёқарашига айланди. Ўзбекистон халқи мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қарор топиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадлари йўлида ислоҳотлар кўламини янада кенгайтириш палласига кирди.**

Мустақилликнинг тарихий қисқа муддатларида демократик мамлакатларга хос бўлган кўппартиявийлик тизими ва шу билан бир вақтда демократик сайлов тизими шаклланди. Ҳокимиятнинг турли даражаларини шакллантириш учун демократик сайлов ўтказиш ва уларда кўппартиявийлик асосида номзодлар кўрсатиш, бунинг учун сайлов компаниялари ўтказиш фуқаролар сиёсий маданиятига сингиб бормоқда.

Демократик жамият қуришнинг талабларидан бири — кўппартиявийлик асосида демократик сайловлар ўтказишдир. Бу жараёнларга мутаносиб равишда фуқаролар сиёсий маданиятини юксалтириш давлатнинг жамиятдаги бош ислоҳотчилик соҳасидаги асосий вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кўппартиявийликнинг моҳияти ва демократик сайловлар тизимини янада замонавийлаштиришнинг аҳамиятини қуйидагича баҳолаган эди: "Ҳозирги вақтда демократик сиёсий тизимнинг энг муҳим субъекти бўлмиш давлатчиликни ислоҳ қилишда янги вазифалар кўндаланг турибди. Бу, авваламбор, ҳозирги босқичда сиёсий институтларнинг ва нодавлат ижтимоий уюшмаларининг хилма-хиллиги ҳамда уларнинг роли мустаҳкамланиши, шунингдек, аҳолининг сиёсий фаоллиги ошиши асосида жамият ҳаётини янада демократлаштириш вазифалари муҳим ва долзарб бўлиб қолганлиги билан изоҳланади".

Жамиятни демократлаштиришнинг муҳим омилларидан бири бўлган демократик сайловлар мазмунини янада чуқурроқ ва теранроқ англаш — фуқароларнинг бугунги кундаги инсоний бурчларидан биридир. Шунинг учун ҳам "сайлов" тушунчасини либерал демократик нуқтаи назаридан талқин этиш бугунги кундаги долзарб масалага айланди. Илғор етакчи демократик мамлакатларда сайловларни англаш ва унга муносабат билдириш адолатли мезонлар асосида кечади. Унга биноан, демократик сайловлар — ҳокимиятдаги ҳар бир бўш ўринга бир нечта номзодлар даъвогарлик қила олишига ҳуқуқий ва амалий жиҳатлардан имкониятлар яратиш шарт бўлган, шунингдек, маълум ваколатларга эга бўлиши мумкин бўлган шахсларни сайлаш воситаси бўлиб, бу жараёнларда мансабдор шахслар маълум ваколатлар билан таъминланадиган ёки бу жараёнларда давлат ва унинг органлари шакллантириладиган тартиботлардир.

Маълумки, фуқаролик жамияти ҳукм сурган мамлакатларда фақатгина демократик сайловлар воситасидагина сиёсий ҳокимият институтлари — парламент, кўпинча ижроия ҳокимият, суд органлари, маҳаллий ва ўз-ўзини бошқариш органлари шакллантирилади. Шунингдек, сайловлар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ва жамоат бирлашмалари органларини шакллантиришда ҳам қўлланилади.

Сайловлар асосан ҳокимиятнинг қонунийлигини таъминлаб, унга табиийлик руҳини беради, улар воситасида халқ ўз вакилларини аниқлайди, ўзларининг сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадларида бу вакилларни ваколатлар билан таъминлайди. Бу билан инсон ҳуқуқи ва эркининг асосий шартларидан бири бўлган — фуқароларга ҳокимиятни бошқарадиган табақани ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқи берилади. Шу йўл билан инсон ҳуқуқларини ҳаётда амалга ошириш ўз аксини топади.

Демократик сайловлар ҳуқуқий давлатларнинг марказий қурилмасидир. Демократик меъёрларга асосланган давлатларнинг сиёсий ҳокимияти фуқароларнинг ўзлари рози бўлиб, ўзларининг кўнгилли, ўз ихтиёрлари билан берган ваколатлари доирасидагина рўй беради. Бу ҳуқуқларни ихтиёрий равишдаги ризолик асосида ҳукумат ваколатига айланишининг асосий механизми эркин ва адолатли руҳда ўтказиладиган сайловлардир.

Маълумки, сайловлар дунёдаги деярли барча мамлакатларда ўтказилади. Лекин, уларнинг барчасини ҳам демократик сайловлар деб бўлмайди. Тоталитар, коммунистик тузум ва якка партиявийлик тизимдаги ҳокимиятлар ҳукм сураётган давлатлар сиёсий элитаси ўзларининг нодемократик ҳукмронликларини ниқоблаш ва унга қонунийлик тусини бериш учун сохта сайловлар жараёнларини саҳналаштирадилар.

Нодемократик сайловларда асосан ҳар бир ўринга биттадан номзод кўрсатилиб, сайловчилар муқобил равишда номзодлар танлаш ҳуқуқидан маҳрумдирлар. Лекин, баъзи ҳолларда муқобил номзодлар ҳам қўйилиши мумкин. Аммо бу жараёнлардаги турли сохталаштиришлар воситасида фақат ҳокимият истаган номзод турли хил йўллар ва усуллар билан ўтказилади. Ёки, ҳукмрон партия бир неча номзод кўрсатиши ҳам мумкин. Бунда ҳам сайловларда ютиб чиққан номзод ҳокимият манфаатларига мос тушади. Бу каби сайловларда ҳам сайловчиларда мазкур партия номзодларидан бошқа номзодларга овоз бериш имкони берилмайди. Кўплаб авторитар ва тоталитар давлатлар томонидан ўтказилган бундай сайловлар халқаро жамоатчилик томонидан салбий баҳоланган, шунингдек, ҳеч бир вақт бу каби сайловлар демократик сайловлар сифатида қабул қилинмаган.

Фуқаролик жамиятига хос сайловларда албатта муқобил номзодлар бўлиши шарт. Шунингдек, сайловларда қайси сиёсий партияга мансублигидан ёки қайси ташкилот номзодини кўрсатишидан қатъий назар ҳар бир номзодга радио, телевидение, оммавий ахборот воситаларида чиқиш, сайловолди ташвиқотларини уюштириш учун тенг имкониятлар яратиш — демократик сайловнинг асосий талабларидан биридир.

Бундай сайловларнинг ваколати маълум бир муддатга амал қилиб, сайланган вакиллар халқ олдида масъул бўлиб, улар ўз сайловчиларига муттасил равишда ҳисобот бериб борадилар. Шу тариқа улар устидан халқ назорати амалга оширилади. Бу вакилларнинг иккинчи марта сайланиши учун ҳам, албатта, бу сафар ҳам халқнинг розилигини олишлари лозим бўлади. Ана шу иккинчи марта сайланмай қолиш хавфи — бу вакилларни доимо халқ манфаатлари билан ҳисоблашиб боришга, улар олдидаги масъулиятни сезишга мажбур қилади.

Барча демократик мамлакатларда сайловлар вакиллик шаклида бўлади. Шунингдек, сайловлар жамиятнинг асосий қисмининг сиёсий иштирокида ва ўзига жалб этган ҳолда ўтиши лозим. Нодемократик тузумларда тор доирадаги гуруҳлар жамиятнинг пассивлигидан фойдаланиб, ўзига қулай усуллар билан ҳокимият тепасига келган бўлса ҳам, бундай йўлларни демократик деб бўлмайди.

**(Давоми 2-бетда)**



**Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд вилоят Кенгаши фаоллари шу кунларда пахтакорлар билан ёнма-ён туриб йиғим-теримни авж олдиришда ташаббускор бўлмоқдалар.**

***Суратда:** Самарқанд вилояти партия Кенгашининг биринчи котиби Жуманиёз Алибеков Иштихон туманидаги Шароф Рашидов номли хўжалик пахтакорлари орасида.*

*Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ олган сурат.*

● Партия фаоллари

## ХАЛҚ ЮКИГА ЕЛКА ТУТИБ

**Секин-аста демократиянинг муҳим шарти ҳисобланган кўппартиявийлик сиёсат майдонида ўз ўрнини топмоқда. Партиялар ўз олдиларига қўйган мақсад ва вазифаларга эришиш йўлида фаолият кўрсатишаётир. Аммо бу жараён бошланғич партия ташкилотларида қай даражада амалга оширилмоқда? "Адолат" социал демократик партиясининг Бухоро вилояти Жондор туман бошланғич партия ташкилоти котиби, олий тоифали шифокор Қаҳрамон НАЗАРОВ билан суҳбатимиз ана шу хусусда бўлди.**

— Мустақилликдан кейин одамлар дунёқараши, тафаккури ўзгарди. Бир қарашда бу айтарли янгилик эмасдек, аммо касбим, партиявий фаолиятим давомида ватандошларимизнинг сиёсий фаоллигини кўриб, бу шунчаки эмас, балки ўзига хос тарихий эврилиш эканига амин бўламан, — деб гап бошлади суҳбатдошим. — Қувонарлиси, партияларнинг сиёсий қиёфаси умумжаҳон демократияси талаблари асосида шаклланмоқда.

**— Бош врачлик фаолиятингизга партия иши ҳалақит бермайдими?**

— Аксинча. Шифокор бўлганим учун партия ишини олиб боришга қийналмайман. Ҳар иккаласи бир-бирига уйғундек, назаримда. Чунки соғлом киши тиниқ фикрлайди. Қолаверса, ҳар бир бемор билан бўлган суҳбатим партиявий фаолиятимда янги қирраларни очиб, ишлашга, тажриба орттиришга, изланишга ундайди. Дард чеккан одам дилдан суҳбатлашади. Хусусан, оқ халат соҳибларини ўз халоскори, деб билади.

Ана шундай мулоқотлар, одамлар билан юзма-юз учрашувлар натижаси ўлароқ туманда ичимлик суви муаммоси маълум маънода ечим топди. Ушот, Ҳасана, Мадаминбой қишлоқлари аҳолиси учун янги сув ҳавзалари қурилди.

**— Катта сиёсий жараён — сайловолди тайёргарликлари қандай кечаяпти?**

— Депутат сифатида Хумдонак, Пулоти, Самончук фуқаролар йиғинида белгиланган кунларда режим асосида фуқароларни қабул қиламан. Уларни қийнаётган муаммолар, ташвишга солаётган масалалар ечимини ҳал қилишим шарт. Сайловчи — оддий фуқаро. Ҳокимият ва халқ ўртасидаги ишончли вакил эса депутат. Депутат ҳар бир сайловчисининг фикри билан қизиқиши лозим.

Бошланғич партия ташкилотимиз фаоллари маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида аҳоли ўртасида ўтказилаётган юзма-юз мулоқотларда сиёсий партиянинг жамиятдаги роли, сайловларнинг демократик тамойиллар асосида ўтказтилиши борасида семинарлар ўтказиб бораяпмиз.

**— Сир эмаски, бозор иқтисодиёти шароитида моддий таъминланганлик масаласи бироз муаммо туғдиради.**

— Фикрингизни тушундим. Бу борада саъй-ҳаракатларимизни, тўғрироғи партия ишини, туман ҳокими Холмурод Жумабоев қўллаб-қувватлаётганларини эътироф этиш жоиз. Шунингдек, Юсуф Ортиқов, Раҳмон Саидов, Нарзулло Рўзиев, Фахриддин Ражабов сингари бағрикенг, қўли очиқ, сахий инсонлар бор экан халқнинг юки ерда қолмайди. Ҳомийлик қиладиганларнинг аксарияти халқ ичида юрадиган одамохун кишилар эканлиги мени қувонтиради.

**Суҳбатдош Моҳира ШАКАРОВА, "Адолат" мухбири.**

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг шу йил 6 октябрдаги йиғилишида 2003 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилиб, сайлов жараёнини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилган эди.

Олий Мажлис Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси билан Матбуот ва ахборот қўмитасининг оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги йиғилиши кун тартибидан ана шу масала ўрин олди.

Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў.Ҳошимов олиб борган йиғилишда Олий Мажлис Кенгашининг "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида" қабул қилган қарорини амалга ошириш билан боғлиқ вазифалар ҳамда мазкур сайлов жараёнини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалалари кенг муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатларига ўз сайлов округларида сайлов тадбирларини ташкил этишда фаол қатнашишлари, оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайловни кенг ёритишлари зарурлигига эътибор қаратилди.

Йиғилишда кейинги йилларда мамлакатимиз фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан дадил илгарилаётганлиги ҳамда давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказилиши муносабати билан мазкур сайлов компаниясининг аҳамияти тобора ошганлиги, шунингдек, бу тадбирнинг "Обод маҳалла йили"да ўтиши унга янада катта масъулият билан ёндашишни талаб қилиши алоҳида қайд этилди.

**(ЎзА).**

## МУҲИМ МАВЗУДА ДАВРА СУҲБАТИ

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясининг "Ҳуқуқ-Право-Law" журнали таҳририяти Президент Ислом Каримовнинг янги ташкил этилаётган партиянинг ташаббускор гуруҳи билан учрашувида сўзлаган нутқи доирасида мазкур олий ўқув даргоҳида доимий амал қилувчи давра суҳбатларининг "Сиёсий партиялар ва сайловлар: ҳозирги ҳолати ва башоратлар" мавзуидаги навбатдаги йиғилишини ўтказди. Унда мамлакатимиздаги сиёсий партиялар вакиллари, Олий Мажлис ва Марказий сайлов комиссияси аъзолари, ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос олимлар, нодавлат ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар.**

Давра суҳбатида ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, хусусан, кўппартиявийлик асосида шакллантириш режалаштирилган Қонунчилик палатасига бўладиган сайловларнинг ҳуқуқий жиҳатлари кенг муҳокама қилинди. Тарих фанлари номзоди, доцент Муқимжон Қирғизбоевнинг "Сайловлар ва сиёсий партиялар", сиёсий фанлар номзоди, доцент Қодиржон Жўраевнинг "Сиёсий партияларнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш", фалсафа фанлари номзоди, доцент Шавкат Мамадалиевнинг "Ўзбекистон Республикаси сиёсий партиялари фаолиятини янада фаоллаштиришнинг айрим концептуал муаммолари" мавзуларидаги ахборотлари тингланди.

Йиғилиш иштирокчилари парламентнинг сўнгги сессиясида қабул қилинган бир қатор қонунларга ўз муносабатларини билдирдилар, қонунларнинг амалиётда қўлланилиши жиҳатларини, жумладан, Ўзбекистонда партия қурилишининг ҳолати, унинг моддий-техник таъминоти, қўмита, кенгаш, келишув комиссияларини ташкил этиш, шунингдек, давлат бюджетини шакллантириш жараёнида партия фракцияларига юклатилган функционал вазифаларни ҳисобга олиб Олий Мажлис Қонунчилик палатасини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишида сиёсий партияларнинг роли ва аҳамиятини кўриб чиқдилар.

Партия ва фракцияларнинг қонунчилик ташаббусини рағбатлантириш ҳамда уларнинг махсус ташкил этиладиган қуйи палата қўмиталари билан ўзаро алоқаси, Бош вазир номзодини тасдиқлаш ва шу каби масалалар борасида сиёсатшунос ва ҳуқуқшуносларнинг қизғин баҳс-мунозаралари бўлиб ўтди. Сайловолди компанияларини молиялаштириш ва уларни ўтказиш тартиблари, сиёсий партия фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида ўринли фикрлар билдирилди.

Булардан ташқари, партия фракцияларининг Олий Мажлис қуйи палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ҳамда партия электорати орасидаги муносабатларига оид баҳслар жонли мулоқот предметига айланди. Давра суҳбатида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг иккинчи котиби Абдували Ғуломмаҳмудов ва партия Сиёсий Кенгашининг котиби Равшан Ҳайдаров фаол иштирок этиб, сиёсий партияларга қўйилаётган бугунги ҳаётий талаблар ва бу борада "Адолат" СДПнинг тутган йўли хусусида тўхталиб, савол-жавобларга бой бўлган қизғин мунозараларда фаол иштирок этдилар. Кўпгина масалалар бўйича давра суҳбати иштирокчиларининг фикр ва мулоҳазаларида якдиллик кўзга ташланган бўлсада, бироқ бир-биридан кескин фарқ қилувчи нуқтаи назарлар ҳам бўлди. Бу эса давра суҳбатининг ошкора, демократик мазмунда ўтишига асос яратди.

**Рустам АҲМАДАЛИЕВ, "Адолат" мухбири.**

● «Адолат» фош этади

## ИЖРО ОЛДИДАГИ ТЎСИҚ

### ёки бир раҳбарнинг манманлигидан келиб чиққан оқибатлар хусусида

**Мазкур мақолани ёзиш чоғимизда кўпчилик қалам аҳлининг "Бозор ҳақида бор гапни ёзиш қалтис, чунки шоҳига урсанг туёғи зирқирайди. Шунинг учун ҳам бу ҳақда ёзиладиган мақолаларнинг аксари ҳақиқат эмас, эҳтиёткорлик тарозисига солиб ўлчанадиган бўлиб кетган", деб айтадиган гаплари сира хаёлимиздан кетмади. Сабаби кўнглимиздаги ҳадик шарпаси "ёзсакми, ёзмасакми?" деган иккиланишларга етаклайверди. Бироқ...**

**Бироқ, бу ер, бу Ватанда яшовчи халқни лоақал ўз мансабимиз ва манфаатимизни сева олганчалик севишлилик ҳисси бор гапни ёзишга ундади. Рост. Чортоқдаги сингари бозор Республикамизнинг ҳамма ерида ҳам топилавермайди. Бир сўз билан айтганда мазкур бозордаги шарт-шароитлар мақтовга молик. Аммо бизни бошқа бир нарса ажаблантирди.**

2003 йил 4 сентябрь куни Наманган вилоят хўжалик суди 16-0305-1407-сонли иш — "Наманган электр тармоқлари" очиқ ҳиссадорлик жамияти томонидан киритилган даъво аризасини кўриб чиқди ва даъвогар ҳисобига жавобгар — Чортоқ "Деҳқон бозори" ҳиссадорлик жамияти ҳисобидан 6 миллион 45 минг 369 сўм ундириб бериш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаради. Мазкур "иш"нинг мазмуни қуйидагича:

Чортоқ "Деҳқон бозори" ҳиссадорлик жамияти 2001 йилнинг 13 майидан, 2002 йил 20 февралигача, яъни, 9 ойда 504 минг 586 сўмлик электр энергиясидан фойдаланган. Аммо электр ҳақини тўламаган. Шунингдек яна, яъни, 2002 йилнинг 5 мартдан 2002 йил 5 апрелигача 475 минг 924 сўмлик электр энергияси сарфлайди. Кўриб турганингиздек ҳар икки қарз орасидаги фарқ, ҳайратта молик, аммо бозор маъмурлари, хусусан, Чортоқ "Деҳқон бозори" ХЖ раиси Муродулла Бурхонов кейинги, яъни, 2002 йил 5 апрелдан 2002 йил 31 июлгача бўлган 4 ой муддатда ёқилган энергия учун келган 428 минг 340 сўмлик қарзни ҳам бамайлихотир қарши олади. Ўз навбатида бу қарзларни Чортоқ ТЭТ назоратчиси Ё.Сатторов ҳамда "Деҳқон бозори" электрчиси И.Холмирзаевлар тузган солиштирма далолатномалар орқали тасдиқлаб беради. Бу ҳолдан ҳаликсираган бош ҳисобчи Роҳила Содиқованинг ташвишли саволига Муродулла Бурхонов шунчаки қўл силтаб қўя қолади ва ўзининг сирли кучи билан бу каби арзимас сўмларни "йўқ" қилиб юбора олишини писанда қилади. Раҳбарининг обрў-эътиборига шубҳа қилмаган ҳисобчи бу ташвишдан салгина чалғийди. Лекин...

Лекин нима бўлади-ю, туман ҳокимлигининг қайси бир йиғилишида бозорқўм Чортоқ ТЭТ бошлиғи Неъматжон Бултуров билан тортишиб қолади. Шу кундан эътиборан ҳар икки раҳбар ҳам тўнини тескари кийиб олади. Натижада бозор аҳли вақти-вақти билан электрсиз қола бошлайди. Муродулла Бурхонов эса бир сўзли одам эмасми, мавжуд қарзларини таг-туги билан "йўқ" қилиб юбориш истагидан қайтмайди. Қарзлар тўланмайди. Аммо...

Аммо орадан бир ой вақт ўтгач ТЭТдан янги қарздорлик ҳисоботи келиб қолади. Мана ўша қарзнинг рақамлардаги ифодаси: 2002 йил 31 июлдан 2002 йил 31 августгача: 1 миллион 307 минг 778 сўм.

"Даҳшат!!!" Бироқ...

Бироқ бу "даҳшат" ҳам Муродулла Бурхоновга кор қилмайди. Тўғри, қарздорликнинг ўсиш суръати бунчалик тезлашиб кетганидан у ҳам жазавага тушади, аммо ўзига бўлган ишонч қатъий бўлгани учун яна тўрт марта, яъни, 696 минг 495 сўмлик бир, 611 минг 978 сўмлик икки, 467 минг 57 сўмлик уч ва ниҳоят 352 минг 342 сўмлик тўртинчи ҳолатдаги қарзлардан кейин ҳам собит келади. Шу тариқа Чортоқ "Деҳқон бозори"нинг ТЭТдан орттирган қарзи 2002 йилнинг 31 декабрига келиб, 4 миллион 545 минг 369 сўмга бориб етади. Кейин...

Кейин ҳақ талаб қилаверишдан чарчаган ТЭТ корхонаси вилоят хўжалик судига Чортоқ "Деҳқон бозори" ҳиссадорлик жамиятидан мавжуд бўлган 4 миллион 545 минг 369 сўм асосий ҳақини, 5 миллион 88 минг 383 сўмлик пеняси билан жами 9 миллион 633 минг 752 сўмни ундириб бериш ҳақидаги давъо аризасини киритади.

Албатта, суд даъвони қисман бўлсада қаноатлантиради. Мана, ўша қарорнинг бир бандидан кўчирма: "Жавобгар — Чортоқ туман "Деҳқон бозори" ҳисоб рақами ва мол-мулкидан даъвогар Наманган вилоят "Наманган электр тармоқлари" очиқ акционерлик жамияти фойдасига 4 миллион 545 минг 369 сўм асосий қарз, 1 миллион 500 минг сўм пеня, жами 6 миллион 45 минг 369 сўм Суд қарорини ижро этиш... орқали ундирилсин".

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: "Нечук, оддий бир бозор электр токини бунчалар кўп истеъмол қилса?".

Бунга ТЭТ мутахассислари: "Бозор ҳудудида янги савдо павилони қурилди. Бу жараёнда 4 та электрпайванд ускунаси узлуксиз ишлаб турди".

Бозор маъмурлари: "Тўғри, қурилиш бўлди, аммо шунда ҳам..." қабилида жавоб беришди.

Ҳақиқатдан ҳам кейинги бир ярим йил ичида мазкур деҳқон бозорида 1 та ёпиқ павилон ҳамда унинг ичида 78 та турғун савдо киоскалари қурилган. Шундан 22 таси тўлиқ ишга туширилиб, савдо фаолияти юритмоқда. Аммо яна бир қизиқ гап ҳақида Чортоқ "Деҳқон бозори" ХЖ раиси Муродулла Бурхонов шундай дейди:

— 78 та киоскани мен қурдим. Ишладим. Битказдим.

— Қайси маблағ ҳисобига?

— Шу... албатта, ўз пулимгада!

Биз бу ҳақда бош ҳисобчидан ҳам сўрадик. У киши:

— Қурилишга кетган маблағлар ҳақида тайинли бир гап айтолмайман, — деб жавоб бердилар.

Хўш, унда ким жавоб беради?

Қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилган 22 та киоска сотувчилари бу саволга қуйидагича жавоб беришди:

— Жой учун 200 минг сўмдан бозорга тўлаганмиз.

— Кимга!

— Шу бозорга-да... бозоркомга-да.

— Қурилиш учун-чи?!

— Ҳар биримиз ўз киоскамизни ўзимиз қурганмиз. Биров бизга бир сўм бермаган.

Албатта, бу гаплар ва бу манзара ғоят ажабланарли. Аммо...

Аммо бизни яна бир бошқа нарса ўйлантириб қўйди. Яъни, биз юқорида ҳикоя қилган электрдан қарздорлик муаммоси туфайли бозор ҳудудида жойлашган барча савдо, ишлаб чиқарувчи кичик шаҳобчалардан тортиб, бозорнинг маъмурий биносида ҳам қарийб бир йилдан ошиқ вақт мобайнида электр токи бўлмаган. Оқибатда...

Оқибатда бир қатор оқибатсизликлар рўй берган. Жумладан:

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 июндаги "Бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва маҳсулотлар сотиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорининг 2-бандида кўрсатилган бир марталик йиғимни ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ундириб олувчи турғун пунктларнинг зарур даражада ишлашини таъминласинлар, бунда ҳар 500 сотувчига (савдо ўрнига) битта пункт тўғри келиши, шунингдек, уларнинг касса аппаратлари билан таъминланганлиги назарда тутилсин" ёки шу қарорнинг 5-бандида кўрсатилган "... бир марталик йиғимнинг ва кўрсатилган хизматлар ҳақининг тўлиқ тушуши, шунингдек, даромадлар тегишли қисмининг маҳаллий бюджетларга ўз вақтида ажратилиши устидан қатъий назоратни таъминласин" каби талаблар шу вақтларда тўлиқ бажариб келинганлиги бизда шубҳа уйғотди. Ахир бозор ҳудудида электр токи бўлмагач, касса аппарати ҳам ишламайди-да. Қолаверса, бозор ҳудудида электр токи бўлмагач, озиқ-овқат билан савдо қилувчи ёки умумий овқатланиш шаҳобчаларининг товарларни сақлаш ўринлари (музхоналар)даги санитария шарт-шароитларининг яхшилигига ким кафолат бера олади? Шунингдек, электр токисиз бу ердаги савдо корхоналарининг хавфсизлик ҳолатини қайси бир марди майдон ўз зиммасига олади? Бу ҳам майли, Вазирлар Маҳкамасининг 1 октябрдан кучга кирган "Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг бир қатор бандлари ҳам айнан мана шу электр токини йўқлиги туфайли ижро этилмаётгани кундай равшан-ку! Мазкур Қарорда белгиланган назорат-касса машиналарининг қўлланиши мажбурий бўлган ҳолларда уларни қўлламасдан савдо қилиш ёки хизматлар кўрсатиш, харидорга квитанция ёзиб бериш, талонлар ёки уларга тенглаштирилган бошқа чеклар бериш мажбурий бўлган ҳолларда бундай ҳужжатларни бермасдан товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатиш ҳоллари айни шу ерда кўзга ташланади. Бу ўз навбатида энг кам иш ҳақининг юз баробари миқдорида жарима солинишига сабаб бўладиган ҳолат бўлишига қарамай, ҳеч бир назоратчи, хусусан, туман ДСИ ходимлари ҳам чора кўриш ҳақида ўйлашмайди. Чунки амалдаги қоидаларга риоя қилмай савдо иши юргизаётган қай бир сотувчидан сўраманг, бозорда бир йилдан буён электр токи йўқлигини рўкач қилиши табиий.

Дарвоқе, шу ўринда юқорида икки бор такрорлаганимиз — бозор ҳудудида электрнинг бир йилдан буён йўқлигига аниқлик киритиб ўтсак.

2002 йил 8 август куни Чортоқ ТЭТ бошлиғи Неъматжон Бултуров Чортоқ "Деҳқон бозори" ХЖ раиси Муродилла Бурхонов номига қуйидаги мазмунда эътирознома юборади. Мана, ўша эътирознамадан бир шингил:

"...Корхонамиз маъмурияти Сизни қарзингизни тўлашингизни бир неча бор огоҳлантирганига ва ҳатто электр таъминотини тўхтатиб қўйганига қарамасдан қарзингизни ихтиёрий равишда тўламасдан келмоқдасиз..."

**2002 йил 8 августда ёзилган бу эътирознома мазмунига қараганда Чортоқ "Деҳқон бозори" наинки бир йил, балки 15 ойдан бери электр таъминотисиз фаолият кўрсатмоқда. Аммо "Деҳқон бозори" ҳисобчисига ТЭТ ҳисобчисидан юборилган ЮК ХАТИлаги далиллар "Деҳқон бозори" 2002 йилнинг 31 декабригача элекр токидан фойдаланганлигини англатади. Бироқ нима бўлганда ҳам бизнингча Президентимиз Фармонлари ҳамда ҳукуматимиз қарорларини ижро этишга бир йил эмас, бир ойга кечикиб киришиш ҳам қонунбузарликдан бошқа нарса эмас. Холбуки, ҳали ҳам Чортоқ "Деҳқон бозори"да электр токи йўқ. Аммо қачонгача?! Бу ҳолнинг олдини олиш мумкинми?**

**Саидолим АБДУРАҲМОНОВ, "Адолат" мухбири.**

# ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР

## ХАЛҚАРО ТАМОЙИЛЛАР ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИК АСОСИДА ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Демократик сайловлар миллий бирликка эришувнинг кафолатларидан бири ҳамдир. Чунки сайловлар даврида барча сиёсий кучлар ҳокимиятнинг у ёки бу жабҳасидан ўрин олишга ҳаракат қилар экан, бу жараённинг натижасини сайловчиларгина ҳал этишини англаган ҳолда ўз атрофидаги сиёсий кучларга ёки ҳокимият органларига даъволар ва маломатлар қилмайди, балки, ҳар бир муваффақиятсизликка эришган сиёсий куч ўзини мазкур сайловларга ҳали яхши тайёргарлик кўрмаганлигини тан олади. Шу билан бирга ҳар бир сиёсий партия ёки бирон бир ташкилий сиёсий кучлар сайлов компанияларида фаол иштирок этар экан, улар ўзларининг сиёсий иродаларини ифодалаш учун сиёсий кенгликларга эга бўладилар. Бу кенгликлардаги сиёсий жараёнларда барча сиёсий кучлар ҳокимиятга ўз вакилларини сайланиши учун интилиб, ўзларидаги сиёсий эҳтирослар, сиёсий иродаларини ифодалаш имкониятларини компаниялар даврида "сарфлаб", муваффақиятсизлик учун тақдирга тан беради. Шу тариқа турли сиёсий кучлар ўз муваффақиятсизликларини бир-биридан кўрмасдан, ўзларини сайловчиларгина қўллаб-қувватламаганлигини англайди. Натижада, барча кучларнинг миллий бирлиги учун шарт-шароитлар яратилади.

Албатта, сиёсий кучларнинг бу тариқа сокинлашуви учун сайловлар адолатли ва ҳар хил "ўйин"ларсиз амалга оширилиши лозим. Акс ҳолда, сайловлардан кейин ҳам сиёсий эҳтиросларни жунбушга келиши ва турли хил можароларнинг пайдо бўлиши учун сабаблар етарлича бўлиши мумкин. Қолаверса, халқаро майдонда ҳам бу сайловларга нисбатан норозиликлар пайдо бўлади.

Маълумки, демократик сайловларни адолатли ўтишининг муҳим белгиси бу — сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида асосий ўрин тутишидир. Сиёсий партиялар фақатгина сайловларда ғалабага эришибгина ўз нуқтаи назарларини ўтказиши, ўз мақсадларини амалга ошириши учун имкониятга эга бўлиши мумкин. Сайловлардаги муваффақият партиянинг яшовчанлик ва унинг самара бера олиш қобилиятига эгалигининг шартидир. Партия сайловларда муваффақиятга эришиш учун сайловчиларни бошқа партияларга нисбатан халқчилроқ эканлигига ишонтира олиши лозим.

Ўзбекистонда ҳам мустақиллик туфайли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш давлат ва халқнинг бош мақсади сифатида эътироф этилиши натижасида демократик сайловларнинг ҳуқуқий ва конституцион асослари яратилди. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган демократик сайловларга доир қонунларнинг халқчиллиги халқаро жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланиши фикримизнинг далилидир.

Мамлакатда сайлов тизимига доир конституциявий ҳуқуқлар асослари икки палатали парламент, халқ депутатлари вилоят, шаҳар кенгашларини шакллантириш принциплари, шунингдек фуқароларнинг сайловларда қатнашишининг ҳуқуқий жиҳатлари, мамлакатда халқ ҳокимиятини амалга ошириш ва давлатнинг демократик тамойиллар асосида шакллантиришнинг муҳим демократик омиллари сифатида синовлардан ўтди.

Сайловларга доир барча қабул қилинган қонунлар парламент ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига сайловларда жамоатчилик фикрини ҳар томонлама аниқлаш, номзодларнинг шахсий фазилатларини билиш, халқ вакиллилигига муносиб номзодлар танлаш имкониятларини яратиш, халқнинг ҳокимият манбаи сифатида ўзини намоён қилиши учун, шунингдек, фақатгина сайловчиларнинг овоз бериши учунгина эмас, балки, уларнинг сайлов компаниясида бевосита ва фаол иштирок этиши учун барча демократик муҳит ва қулайликлар яратиб берилди.

Умуман, мамлакатдаги сайлов тизими демократик қадриятлар талаблари ва миллий ўзига хос хусусиятлар асосида шаклланиб, ҳозирги даврда у халқимиз сиёсий маданиятидан мустаҳкам ўрин эгаллаб бормоқда.

Кўпчилик давлатлар конституцияларида сиёсий партиялар, нодавлат ташкилот сифатида (Ўзбекистон Конституциясида жамоат бирлашмалари сифатида) эътироф этилади. Ҳозирги даврда сиёсий партиялар тузилишида уларнинг ижтимоий замини, сиёсий тизимдаги ўрни, сиёсий мавқеи, ғоявий мўлжаллари, сайловчиларининг кўлами, иқтисодий стратегиялари каби омиллари ва хусусиятларига биноан бир-биридан фарқланиши кузатилади.

Маълумки, сиёсий партияларнинг ижтимоий таянчини туб манфаатлари бир-бирига ўхшаш бўлган гуруҳлар ва табақалар ташкил этади. Баъзи бир партияларда ижтимоий таянчлар бир ва иккитадан иборат ижтимоий табақалардан иборат бўлса, демократлар, радикаллар, социалистлар партиялари, шунингдек, аграр партияларнинг ижтимоий заминини ташкил этувчи табақалар бир нечтадан иборат бўлиши мумкин.

Ижтимоий таянчнинг таркиби яхши уюшган, бирдам, якдил манфаатлар бирлигига эга бўлган сиёсий партиялар изчил, омилкор ва самарали фаолият юритадилар. Агар ижтимоий таянчлар таркибида пароканадалик, тарқоқлик, манфаатлар тўқнашуви ўта зиддиятли бўлса, бу ҳолат сиёсий партияларнинг инқирозига, улар мавқеининг пасайиб кетишига, пировардида жамиятда ўз обрўсини йўқотишга олиб келади.

Маълумки, сиёсий партиянинг ижтимоий таркиби — бу унинг сиёсий фаолият олиб бораётган, энг фаол (сиёсий жиҳатдан) қисмидир. Сиёсий партиялар тарихий тараққиёти шуни кўрсатмоқдаки, баъзи ҳолларда ижтимоий таянчларни мустаҳкамлаш имкониятларига эга бўлиш, шунингдек, ғоявий мўлжалнинг омма томонидан осон ва тез англаниши сиёсий партиялар мавқеининг ошишига, унинг обрўли бўлишига олиб келади.

Сиёсий партияларнинг сиёсий ҳокимиятдаги иштирокининг қай даражада бўлишига қараб ҳар бир мамлакатдаги таркиб топган сайловлар системалари амалиёти ўзига хослиги ва халқчиллиги нуқтаи назаридан бир-биридан фарқланади. Сиёсий партиялар сайловлар тизими қонуниятларини чуқур англаб, шунингдек, сайлов компанияларига қанчалик мослашиб, уддабуронлик билан фаолият кўрсатсалар, уларнинг сайловлардаги муваффақияти ҳам шунчалик самарали бўлиши таъминланади.

Ўзбекистондаги мавжуд Конституция ва қонунлар доирасида сиёсий ҳокимият учун соғлом рақобатлашадиган кўппартиявийлик тизимига ўтиш ўз-ўзидан силлиқ рўй бермасдан, ўзига хос қийинчилик ва аччиқ тажрибаларни бошдан кечиришини тақозо этди. Ҳозирги даврда ташкил топган бешта ёш сиёсий партиялар мамлакатимизда эндигина шаклланаётган янги ижтимоий қатламлар, табақалар сиёсий иродалари ва манфаатларини ифода этишга уринмоқда.

Холбуки, фуқаролик жамиятида мавжуд сиёсий ҳокимият соғломлигининг, ҳокимиятни суиистеъмол қилиниши олдини олишнинг шарти — сиёсий ҳокимият учун ҳар бир сиёсий партиянинг бирон бир имтиёзсиз, бошқа партиялар билан тенглик асосидаги эркин рақобатидир.

Ҳозирги даврдаги либерал демократия нуқтаи назаридан ёндашганда партияларнинг энг асосий аҳамияти, бу — кишиларнинг бир-бирлари билан бирлашиши асосида манфаат ва эҳтиёжларини қондирилиши учун кенг имкониятларга эга бўлиши, шунингдек, инсон сиёсий ҳуқуқларининг тенг ҳуқуқли субъект сифатида сиёсий тизимдан ўзига муносиб жой олиш жараёнини ташкил қилишдир. Партиялар фаолиятини ҳаракатга келтирувчи кучлар эса, бу — турли ижтимоий табақаларнинг мақсад ва манфаатлари, идеаллари, қадриятлари, орзу-хаёллари ва мафкураларидир.

Умуман олганда, инсоният тарихида рўй берган барча сайловлар таҳлил қилинганда, фақат сиёсий партиялар иштирокида амалга оширилган сайловларгина нисбатан адолатли тарзда амалга оширилган. Сайловларда барча манфаатлар гуруҳларининг сиёсий иродалари ва истакларини амалга оширишнинг энг адолатли йўли ҳам демократик сайловлар воситасида амалга ошиши мумкин эканлигини фуқаролик жамиятига эришган мамлакатлар тажрибаси исботлаб турибди. Шунинг учун ҳам, жамиятни келажакда ижтимоий ва сиёсий жиҳатлардан барқарор бўлиши учун, биринчидан, сайловлар адолатли ва демократик тамойиллар асосида амалга ошиши лозим. Иккинчидан, сайловларда манфаатдор бўлган барча кучлар (фуқаролар, жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар) ўз сиёсий иродаларини тенг имкониятлар, шарт-шароитлар асосида ифодалашлари учун демократик фаолият кўрсатиш кенгликлари билан таъминланган бўлиши лозим. Учинчидан, сайловлар жараёнида ҳокимиятнинг турли сиёсий кучлар ўртасидаги ўзига хос тақсимоти табиийлик характерини касб этиши лозим. Тўртинчидан, сайловлар даврида ҳокимият органлари билан сайловчилар (фуқаролар) ўртасидаги мувозанат адолатли ва холис ҳолда сақланиши лозим. Бешинчидан, сайловларда ўз номзодларини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган барча сиёсий бирликлар мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ички ишларига ҳеч бир сиёсий институтлар ёки бошқа кучлар аралашишига йўл қўймаслик механизмларини ишлаб чиқиш — демократик қадриятларнинг муҳим талабларидан биридир.

Ҳозирги кунларда мамлакатимизда келаси йилдан ўзининг қизғин палласига кирадиган сайловларга ҳуқуқий жиҳатлардан барча демократик талаблар учун шарт-шароитлар яратилган. Сайловларнинг демократик қадриятлар асосида якунланишининг бутун масъулияти фуқароларимиз, сиёсий партиялар, ҳокимият органлари ва сайловлардан манфаатдор бўлган барча сиёсий кучларнинг миллий бурч, мамлакатимиз истиқболини англаш каби фазилатларини нечоғлик ҳис этишларига ва демократик қадриятлар уларнинг сиёсий маданиятларидан қанчалик ўрин эгаллаганлигига боғлиқдир.

**Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ.**

**Бундан роппа-роса ярим аср муқаддам — 1953 йилда Қизилқум саҳроси - Газлидаги улкан газ кони жаҳонга шов-шув бўлганди. Бироқ мустабид тузум газ "қулоқлари"нинг мурватларини бошқа ўлкаларга буриб қўйди. Ўзбекистон халқи ўз газидан бебаҳра бўлиб, қора ўчоққа ўтин, тезак-таппи қалаб, кун кечириш билан қаноатланди.**

-Истиқлол туфайли қора ўчоқда қумғон қайнатиб умргузаронлик қилган даврларимиз ҳам ортда қолди, - дейди ғузорлик Эргаш бобо Бозоров. — Бугун юртимиздаги аксарият корхоналар, мактаб ва боғчалар, аҳоли хонадонларида Шўртаннинг "зангори олови" ёнмоқда. Ўз бойликларимиздан ўзимиз баҳраманд бўладиган кунлар келганига беадад шукур.

Мамлакатимизда юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самараси ўлароқ Истиқлолнинг ўтган ўн икки йилида биргина нефт ва газ соҳасининг ўзида олтита йирик халқаро лойиҳа амалга оширилди. Уларнинг жами қиймати қанча деб сўрасангиз, марҳамат билиб олинг, 1,9 миллиард доллар. Шу ўринда "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компаниясининг буюртмалар портфелида чет эл инвестициялари жалб этиладиган яна 2 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳалар мавжудлигини ҳам қайд этиш жоиз. Бугунги кунга

# ШЎРТАНДА ТАНТАНА

келиб Ўзбекистон , хусусан, Қашқадарёнинг нефт ва газ салоҳияти янада ошди. Мавриди келганда айтиш керакки, айни пайтда ватанимиз ҳудудида 186та нефт ва газ конлари аниқланган. Уларни пулга чаққанда бир триллион АҚШ долларини ташкил этаркан. Мутахассисларнинг хомчўтига кўра жонажон Ўзбекистонимиз ҳудудида 5 триллион тонна шартли ёқилғи заҳиралари мавжуд. Қиёслаш учун яна бир рақам, 2002 йилда 1991 йилга қараганда бир ярим баравар кўп, яъни 57 миллиард кубометр газ қазиб олинди.

Куни кеча Қашқадарё воҳасида яна бир қувончли воқеа юз берди. "Шўртан газ-кимё" мажмуидан бир неча километр узоқликда янги иншоот — юқори босимли компрессор станциясининг тақдимот маросими ўтказилди. Тақдимот маросимида Ўзбекистон ҳукумати, чет эл компаниялари раҳбарлари, мутахассислар, журналистлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Айтиш керакки Шўртан кам олтингугуртли газ конденсат кони 1974 йилда очилган бўлиб, у ерда геология-қидирув ишлари 1985 йилда ниҳоясига етказилган. Мазкур кон саноат асосида ишга туширилиб, 1980 йилнинг 1 ноябридан Сирдарё ГРЭСи ва Тошкент саноат тармоғига нордон бирикмалардан тозаланмаган табиий газни узата бошлади. Бош иншоотнинг технологик тартибида газнинг кириш босими 10 мегапаскалдан кам бўлмаслиги мўлжалланган. Йиллар ўтиб қатлам босимининг камайиб бориши Шўртан газ конденсат конида компрессор шохобчасини қуриш заруратини туғдирди. Мақсад қазиш қурилмаларида зарур босимни таъминлаш эди. Бу борадаги лойиҳани амалга ошириш учун "Ўзбекнефтгаз" холдинг ва Исроилнинг "Бейтман прожекст лимитед" компаниялари инжиниринг ишларини бажариш, ускуналар етказиб бериш, шеф-монтаж ва қурилиш устидан муаллифлик назорати бўйича 158,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги шартномани имзоладилар.

Ҳа, Қарши чўлларида бунёд этилган янги иншоот халқимизнинг эртанги кунига, унинг фаровонлигига хизмат қилади.

**Тошкент-Қарши-Тошкент**
**Абдумажид АЗИМОВ, "Туркистон-пресс".**

**●Ислоҳот ва самара**

# БАЛИҚЧИНИНГ БАЛИҒИ




Балиқни етти хазинанинг бири деб бежиз айтишмайди. Ўзининг кўплаб яхши хусусиятлари билан ҳаммага доимо манзур бўладиган бу ажойиб неъмат айниқса, дастурхон чиройини янада очиб юборади. Унинг инсон саломатлигига фойдаси эса беқиёсдир.

Шу туфайли ҳам Тошкент вилоятининг Қуйичирчиқ туманидаги "Балиқчи" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси балиқчиликни ривожлантиришга, даромадли соҳага айлантиришга, бу орқали истеъмолчиларнинг балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондиришга алоҳида куч-ғайрат сарфламоқда. 3550 гектар майдонни эгаллаган балиқ хўжалигида йилига тўрт хил, жами 1500 минг тонна балиқ етиштирилиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Оқ амур, зоғора, чипор ва дўнгпешона балиқларини етиштиришга ва кўпайтиришга ҳиссадорлик жамияти раиси Бинодирхўжа Маҳмудовнинг ўзи катта эътибор қаратмоқда. Соҳанинг жонкуяр мутахассислари — бош муҳандис Баҳодир Хўжақулов, бош балиқчи Юрий Алимов, таъминот бўлими бошлиғи Абдухолиқ Юсуфхўжаевлар кўп йиллик бой амалий тажрибалари билан ишчан жамоани янги ютуқлар сари руҳлантирмоқдалар. Ёшларга касб сирларини қунт билан ўргатишяпти.

Жамоанинг иқтисодий ислоҳотлар боис эришаётган ютуқлари қувончли. Олдинда эса янги вазифалар турибди. Улар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, хусусийлаштириш жараёнларини изчил амалга ошириш ва ижара пудратининг афзалликларидан кенг фойдаланишдек хайрли юмушлардан иборат эканлигини ўйлаганимизда эса кўнглимиз янада равшан тортади. "Яхши ният элга йўлдош", деганларидек "Балиқчи" ўзининг балиқлари билан истиқболга юз тутмоқда.

***СУРАТЛАРДА:** ҳиссадорлик жамиятининг илғор балиқчилари Абдулазиз Азизхўжаев, Ўткир Боймаҳанов ва Шуҳрат Мўминов балиқ овида; бош балиқчи Юрий Алимов (ўнгда) билан таъминот бўлими бошлиғи Абдухолиқ Юсуфхўжаев жамоанинг иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил этишмоқда.*

**Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар**

# ШОЛИКОРЛАР ЗАФАРИ

**Қорақалпоғистон шоликорлари 61 минг 248 гектарга шоли экиб, шартномавий режаларини бажарди.**

— 91 минг 142 тоннадан зиёд шоли етиштирилди,-деди Қорақалпоғистон республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Дуйсенбой Утамбетов "Туркистон-пресс" мухбирига. — 13 минг 750 тонна сифатли уруғ тайёрланди. Ҳосилни йиғиштириб олишда "Агроинтехника" бирлашмасидан 160 дона Клаасс, 28 дона "Кейс", 13 дона "Ньюхолланд" ва 52 дона Россия комбайнлари қатнашди. Нукус туманидаги шоличиликка ихтисослашган "Шўртанбой", "Кердер", "Қўнғирот" туманидаги "Кўкдарё" ширкат хўжаликлари меҳнаткашлари шартномавий режаларни етти иш кунида бажардилар. Шоли майдонлари 2 минг 437 нафар пудратчиларга бўлиб берилди. "Кўкдарё" ширкат хўжалигидан Н. Аймаганбетов, "Шўртанбой" ширкат хўжалигидан М. Собуров, "Киндик ўзак" ширкат хўжалигидан К. Жадигеров ва бошқа пудратчилар ҳар гектардан 55-60 центнердан ҳосил олди. Шолини ўриб-янчиб олишда деҳқонларга "Агроинтехника" бирлашмаси, "Қорақалпоқ агромашсервис", "Қорақалпоқтранс" акциядорлик жамиятлари жамоалари яқиндан ёрдам берди.



# "ҒАЛЛАБАНК" РАҚОБАТ МАЙДОНИДА






Рақобат. Бу сўз айниқса, кейинги йилларда жуда кўп ишлатиладиган бўлиб қолди. Боиси оддий: бозор муносабатларини бу мезонсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки бозор — азалдан рақобат майдони — иқтисодиётнинг ўзига хос босқичли тамойилидир. Унинг қоидалари гўё ҳандасавий тенгламага ўхшаб кетади. Тенглик аломатидан сўнги натижа эса албатта, дастлабки амалларнинг тадрижий давоми сифатида бўй кўрсатади. Демак, бозор муносабатларидаги ҳар бир жараённинг ўз ўрни бор, улар бир-бирига боғлиқ занжирдай бир нечта халқалар бир вазифани — истеъмолчи эҳтиёжини қондириш учун курашади. Бу жараёнда банк муассасаси ҳам муҳим халқа сифатида ўзига хос вазифани ўтайди. Таъкидлаш жоизки бизнинг мамлакатимизда банк тизимининг ўрни бошқа давлатларникидан кўра муҳимроқ, чунки юртимизда ҳали ҳам эндигина ривожланиб келаётган ёки янги очилаётган ишлаб чиқарувчи корхоналар кўп. Уларнинг фаолияти банк тизими билан бевосита боғлиқ бўлибгина қолмай, балки амалга киритилаётган лойиҳаларнинг қарайб 70-80 фоизи айнан мана шу банклар киритаётган сармоя ёки улар бераётган кредитлар ҳисобига амалга оширилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Демак, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида банк тизими ишлаб чиқарувчи кучларни ташкил этувчи тасисчи, молиявий қўллаб қувватловчи кўмакчи вазифаларни ўзига бириктириб олган. Хўш, айни кунларда бу ҳол қай даражада уддаланмоқда?

Биз саволга жавоб олиш мақсадида Республика акциядорлик тижорат "Ғаллабанки"нинг Сурхондарё вилояти минтақавий филиалида олиб борилаётган ишларни бир сидра кўздан кечидик. Маълум бўлишича вилоят "Ғаллабанки" шу кунга қадар 1376 та хўжалик юритувчи субъектларга, 10 та йирик дон қабул қилиш ва қайта ишлаш корхонаси, 238 та фермер, 8 та ширкат хўжалигига, 104 та кичик корхонага, 2 та қўшма корхона, 233 та хусусий фирма, 566 та якка тартибдаги тадбиркорга, 170 та савдо ва воситачилик корхоналарига самарали хизмат кўрсатмоқда экан.

Кўриниб турибдики, бу кўрсаткичлар вилоят "Ғаллабанки"нинг Сурхондарёда тутган ўрни, иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишидаги иштироки нечоғли юқори эканлигидан далолат бериб турибди. Айни пайтда банк ишлаб чиқарувчи корхоналар ва хусусий секторни наинки кредит линиялари билан таъминламоқда, балки уларга зарурий маслаҳатлар бериш, амалга оширилаётган сармоявий лойиҳаларни таҳлил қилиб бериш, кутилаётган таваккалчилик оқибатларини баҳолашдек ишларни ҳам амалга оширмоқда. Шунингдек, тадбиркорларни халқаро банклар билан алоқасини тиклашларида воситачилик қилмоқда. Масалан, Халқаро тараққиёт тикланиш банки маблағидан Шерободлик "Шуҳрат" ҳамда "Ўралбобо" фермер хўжаликларига "Олтой" трактори олиб берилгач, улар ишидаги самара кескин ошди. Ёки Ўзбек-Юнон "Олтин-чигит" қўшма корхонасини кредит линиялари билан қўллаб-қувватлангач Республикамизнинг барча вилоятларига қишлоқ хўжалиги экинларининг сараланган уруғини етказиб бера бошлади. Шунингдек, банкнинг таъсисчилари "Ўздонмаҳсулоти" давлат акционерлик корпорациясига қарашли корхоналар, хусусан, "Шўрчи донмаҳсулотлари" ҳиссадорлик жамиятининг қўшни Афғонистон Республикасида жойлашган корхоналари ҳам молиявий қувватлангач унинг 5 та корхонаси ва Ўзбек-Турк "Алпомиш" қўшма корхоналари қўшни мамлакатларга ун маҳсулоти экспорт қилишни тубдан яхшилади. Натижада вилоятнинг экспорт салоҳияти ҳам сезиларли ошди. Дарвоқе, айни кунларда вилоятнинг Шўрчи, Музрабод, Қумқўрғон, Сариосиё, Денов, Қизириқ туманларида "Минибанк"лар очилиб, мижоз ва банк алоқалари янада соддалаштирилаётир. Биргина Қумқўрғон туманидаги "Минибанк"нинг 8 ойлик фаолиятига назар ташласак, мазкур банк ўзининг хизматлари эвазига 43532 минг сўм соф даромад кўрганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Дарвоқе, банк жамоасининг қўлга киритган ва киритаётган ютуқларида ходимларнинг ўзаро тажриба алмашинуви, ўқув-семинарлардан олган сабоқлари муҳим омил бўлаётир. Зотан, халқнинг ўзи топиб айтган: "Ўрганганинг ўр устига кўприкдир". Бинобарин, иқтисодий ислоҳотлар жараёнида орттирилган тажрибалар наинки ўр устига, балки эртанги кун — келажак ва бугун орасига қўйилган кўприк — юксалиш йўли бўлиб хизмат қилса ажаб эмас.

**Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,**
**"Адолат" мухбири.**

## "Адолат"га жавоб берадилар
## "СУВНИ ЛОЙҚАЛАТГАН КИМ?"

("Адолат" газетаси, 2003 йил 12 сентябрь, №37 (428).

**Мазкур сарлавҳа остида босилган мақолада Қумқўрғон туман халқ таълими Давлат таълим стандартлари мониторинги бўлими бошлиғи Зиёдулла Омоновнинг шикоятлари бирон жойда ўз тасдиғини топмаганлиги, ўзи зиёли педагог бўлса-да, номига номуносиб иш тутганлиги хусусида сўз юритилган эди. Ушбу мақола газетамизда чоп этилганидан сўнг, тегишли ташкилотлардан йўлланган расмий жавоб билан бирга қумқўрғонлик педогоглардан фикр-мулоҳаза билдирилган мактублар ҳам олдик.**

### МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

**Шу йил 12 сентябрда "Адолат" газетасида чоп этилган "Сувни лойқалатган ким?" сарлавҳали танқидий мақоласи Қумқўрғон туман халқ таълими бўлими жамоаси орасида муҳокама қилинди. Туман халқ таълими бўлими Давлат таълим стандартлари мониторинги бўлими бошлиғи Зиёдулла Омоновнинг туман халқ таълими бўлимининг мудири Т. Нормуродов устидан турли нуфузли идораларга ариза ёзиб, натижада кўплаб текширишлар жамоанинг бир маромда ишлашига халақит бераётгани, ўзи эса кейинги ойларда узлуксиз равишда меҳнат интизомини бузиб, сабабсиз ишга чиқмай таълим жараёнига путур етказаётгани таъкидланиб, уни вазифасида қолиш ёки қолмаслик масаласини кўриб чиқишни туман халқ таълими касаба уюшмаси ва халқ таълими бўлимидан сўрашган. Туман халқ таълими касаба уюшмаси З.Омоновнинг меҳнат интизомини бузаётганлиги тўғрисидаги масалани мақола чоп этилмасдан олдин 2003 йилнинг 26 августида муҳокама қилиб, туман халқ таълими бўлимидан унинг билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилинишини сўраб, қарор қабул қилган. Туман халқ таълими бўлими 2003 йил 6 октябрдаги № 448- рақамли буйруғи билан туман халқ таълими бўлими Давлат таълим стандартлари мониторинги бўлими раҳбари З.Омоновнинг меҳнат тартибини бузиб, сабабсиз равишда ишга келмаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 4-банди ва туман халқ таълими касаба уюшмаси қўмитасининг 2003 йил 26 августдаги қарори асосида унинг билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлигини маълум қиламиз.**

**А.ЭРГАШЕВ,**
**Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи.**

### ЎҚИТУВЧИГА ХОС БЎЛМАГАН ХИСЛАТ

"Сувни лойқалатган ким?" сарлавҳали мақолада қумқўрғонлик Зиёдулла Омоновнинг юмолоқ хатлари тасдиқланмаётганлиги хусусида билдирилган фикрлар айнан долзарблиги бизни қониқтириб, ҳақиқатдан ҳам маҳалла фуқароси сифатида, икки хотинли эканлигини, биринчи никоҳидаги оиласи фарзандларини қаровсиз ташлаб қўйганлиги, доимий равишда маҳаллада уриш-жанжал чиқириб маҳалла аҳлини безор қилаётганлиги ва ўқитувчиларга хос хислатларга эга эмаслиги, болалар тарбиясини ўз йўлига ташлаб қўйганлиги мунтазам равишда ёзув-чизув билан шуғулланиши, ўзи ишлаб турган район халқ таълими бўлимида ҳам ноўрин аризабозлик қилганлиги ва бошқа қатор ҳурмача қилиқлари бир неча марта кўриб чиқилганлигини сизларга билдирамиз.

Жалоир Маҳалла фуқаролар йиғини чоп этилган мақоланинг долзарблигини, тўғри чоп этилганлигини, бундан кейин Омонов сингари иғвогарлар учун сабоқ бўлишига умид боғлаймиз ва биз Жалоир маҳалла фуқаролари сизларга ўзимизнинг самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.

**Х.ТЎРАҚУЛОВ,**
**Қумқўрғон туман,**
**Жалоир маҳалла раиси.**

### ТАРБИЯДЕК МУҲИМ ВАЗИФА ТУРГАНДА?..

"Сувни лойқалатган ким?" номли мақола жамоамиз томонидан ўрганилди. Мақола ўз вақтида ҳаққоний, рўйи-рост бор ҳақиқатни баён этган деб ҳисоблаймиз. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ўқувчиларнинг комил инсон қилиб тарбиялашдек муҳим вазифа турганда педагоглик шаънига доғ туширaётган З.Омонов тўғри танқид қилинган ва келтирилган фикрлар тўғри ёритилган.

9-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчилари номидан:
**Д.ЖУМАЕВ, Г. ЖУМАЕВ, Э.БОБОМУРОДОВ, Х.ЧОРИЕВ, Х.ЭГАМБЕРДИЕВ, Э.МУСУРАЛИЕВ, Ш.ҚОБИЛОВ.**

### МЕҲНАТКАШ ОДАМ РАҲБАР ТАНЛАМАЙДИ

Аслида ишлаган меҳнаткаш одам раҳбар танламайди. Ўз иши билан бўлиб, яратувчанлик билан машғул бўлади. Қўштирноқ ичидаги сохта ҳақиқатпарварларнинг уринишлари тагида манфаат ётади.

Биз кўпчилик педагоглар қатори Т.Нормуродовнинг халқ таълими бўлими мудири бўлганлигидан севинган эдик. Чунки у кишининг ғамхўрлиги, ташкилотчилиги, маданияти ҳақида кўп гапирган ва айрим эзгу ишларига ўзимиз ҳам гувоҳ бўлганмиз.

Газетада берилган мақола айни муддао бўлиб, унда Зиёдулла Омоновнинг кўпинча ўз камчиликларини ёпиш учун, ўз манфаатлари йўлида сув лойқалатиб юрганлиги, сохта ҳақиқатгўйларнинг ички дунёси фош бўлиб, ўйлаган ўйлари амалга ошмаганлиги тўғри талқин этилган. Бу мақолани ўқиган айрим шахслар ўзларига ойна олиб қараса яхши бўларди. Муҳарририятга ва

**Акс садо**

мақола муаллифига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

**М.АБДУЛЛАЕВ,**
**12-умумий ўрта таълим мактаби директори.**

### АДОЛАТ ЮЗАСИДАН ТЎҒРИ ЁРИТИЛГАН

З.Омонов томонидан Т.Нормуродовга қўйилган айбномаларни ноҳақ деб биламиз, мақола адолат юзасидан тўғри ёритилган.

**18-ихтисослашган**
**мактаб-интернати жамоаси номидан.**
**Абдуқодир ХОЛБОЕВ.**
**(Жами 11 имзо).**

### ГАЗЕТАДАН МИННАТДОРМИЗ

Муаллиф ўз мақоласида Зиёдулла Омонов ҳақида ёзар экан, чуқур мулоҳаза юритиб, нафақат унинг кимлиги ҳақида, балки унинг қандай одам эканлигини ҳам очиқ-ойдин таърифлаб кетади. Шунинг билан бир қаторда Қумқўрғон туман халқ таълими бўлимида узоқ йиллардан буён давом этиб келаётган кадрлар қўнимсизлигининг, раҳбарга ёлчимаслигининг асосий сабабларидан бири — раҳбарга биринчи кунданоқ тош отиш, тазйиқ ўтказиш, бўлган-бўлмаганни чатиб, юмалоқ хатлар ташкил қилиш ва турли хил идораларга йўллаш З.Омоновга ўхшаганларга одат тусига кириб қолган.

Бундай ҳолатлар мактаблардаги педагоглар фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Тайинланган раҳбар эндигина иш ўрганган пайтда юмалоқ хатлар изидан текшир-текшир, тафтиш қилиш, турли хил миш-мишлар авж олиб кетиб, таълим-тарбия иккинчи даражали бўлиб қолади ва назорат батамом йўқолади. Шулардан безор бўлган раҳбар, ўзи кетишига рози бўлади.З.Омоновнинг шу даргоҳда ишлаб туриб, ўз гузарига ўзи тош отиши инсофданми?

Биз ушбу мақолага ўз муносабатимизни билдирар эканмиз, таҳририятга ва муаллифга туман халқ таълими бўлимидаги миш-мишларга чек қўйишда айрим нохуш ҳолатларга тўғри таъриф бериб, ойдинлик киритганлиги учун муаллифга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

**Қумқўрғон тумани Алишер Навоий номли**
**2-умумий ўрта таълим мактаби педагоглар жамоаси номидан:**
**А.БОБОҚУЛОВ, Г.ЖУМАЕВА,**
**А.ХОЛМИРЗАЕВ, Г.ЧОРИЕВ.**

# ЙИРТИҚ ЎН СЎМЛИК

Жиянимга 125 сўм бериб, нон олиб келишга жўнатаман. Қайтиб келгач, қўлимга битта нон билан 10 сўм қайтимни тутқазади. Бир қараб қўяману: "Ҳа, жиян, музқаймоқ 5 сўм бўлибдими?" дейман кулиб.

Музқаймоққа ўч жияним пичингимга тушунади.

—Эй, сотувчининг майдаси йўқ экан, шекилли, 5 сўм бермади.

Унинг гап оҳангидан "Шу 5 сўмни деб, паст кетиб ўтираманми?" деган маънони сезиш қийин эмасди. Унга шу арзимаган чақа ҳам кимнингдир меҳнати эвазига келганлигини-ю, яна бошқа бир нарсани тушунтириб бермоққа чоғландиму, "Бошига тушса, ўзи англар" дея индамадим. Бошқа бир масала бу — ҳалоллик ҳақидаги фикрларим эди. Бир маҳалладошимизнинг илгари сотувчи бўлганлигини-ю, ҳатто қамалиб ҳам чиққанлигини эшитгандим. Қандайдир юмуш билан уйимизга келганида, дадамларга куйиниб гапираётганини эшитиб қолдим.

—Тавба, ҳозирги сотувчиларда инсоф қолмаганми, дейман-да. Тунов куни Самаднинг дўкончасидан совун оламан, деб чиқувдим. Ҳақини тўлаб, қайтимни санаб кўрсам, 10 сўм кам. Мен ҳам кутиб туравердим. Самад ҳали ҳам қайтимдан умидвор эканимни сезди-ю, анча тимирскиланиб, 10 сўмлик йиртиқ қоғоз пулни ижирғанибгина олдимга ташлади.

— Э, қўшни, бунақа ноинсофликларни кўриб, ўз ҳолимга ачиниб кетаман. Чунки, биласиз, бир пайтлар шу 1-2 сўмни кам берганим учун "анови ёқлар"да ўтириб келганман.

Собиқ сотувчининг гаплари ҳақ. Бизда азалдан кишининг ҳақидан қўрқиш, ўзганинг молидан ҳазар қилиш каби одатлар гўдакликданоқ сингдириб келинган. Бировнинг сизда қолган битта игнаси ҳам қарз ҳисобланиб, охиратда жавоби сўралади. Ҳозирги кунда эса, бозорларда ёки хусусий дўконларда, ёхуд турли-туман чиптахоналарда сотувчиларнинг юқоридаги фикрни унутиб қўяётганликларини кўриб, ёқа ушлайсиз. Ахир катта жиноятлар ҳам майда қинғирликлардан бошланишини ҳаммамиз яхши биламиз. Баъзиларнинг назарида арзимас бўлиб кўринган 5-10 сўм меҳнат, пешона терининг самараси эканлиги ойдин ҳақиқат-ку! Демак, буни сўраш билан кимдир паст кетиб ёки сахийлигини кўз-кўзлаб қолмайди. Ҳар қалай, бу масалага бепарволарча ёндошиш мумкин эмас, деб ўйлайман. Ахир ким ҳам бировдан қарздор бўлишни ва ўзгани қарздор қилишни истарди?

**Камола МИРАЛИ қизи,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети II босқич талабаси.**

